



**Аброр РАҲИМОВ**  
катта илмий ходим-изланувчи  
Самарқанд давлат чет тиллар институти  
[stipendiat.abror@gmail.com](mailto:stipendiat.abror@gmail.com)

## НОМИНАТИВ ФАОЛИЯТНИНГ ДАСТЛАБКИ ТАЛҚИНЛАРИ

Мақолада воқеликни, нарсаларни, умуман, борлиқни номлаш – номинатив фаолиятнинг қадимги юнон фалсафасида, Абу Наср Форобий асарларида ва Ғарб тилшунослик мактабларида ўрганилиши ҳақида фикр юритилган.

В статье рассматривается процесс изучения номинативной деятельности в древнегреческой философии, а также в трудах Абу Насра Фараби и в лингвистических школах Запада.

The article deals with the study of the process of nomination by ancient Greek philosophers in the works by Abu Nasr Farabi and linguistic schools of Europe.

**Калит сўзлар:** Платон, Демокрит, Абу Наср Форобий, Вилгелм фон Гумболдт, натурфалсафа, антропоцентрик давр, реализм, номинализм, стойкилар.

**Ключевые слова:** Платон, Демокрит, Аль-Фараби, Вильгельм фон Гумбольдт, натурфилософия, антропоцентрический период, реализм, номинализм, стоицизм.

**Key words:** Plato, Democritus, Al-Farabi, Humboldt, nature philosophy, period of anthropocentrism, realism, nominalism, stoicism.

Манбаларда кайд этилишича, юнон файласуфлари мушоҳада юритган дастлабки объект табиат бўлгани боис, фалсафий дунёқарашнинг милоддан аввалги 600 йилдан 450 йиллар оралиғидаги босқичи *натурфалсафа* деб аталади. 450 йилдан кейинги даврлардан бошлаб инсон ўз манфаатларини диққат марказига қўя бошлаган. Шунинг учун ҳам фалсафий дунёқарашнинг бу босқичи *антропоцентрик* давр сифатида фарқланади(3, 57).

Ана шу икки фалсафий дунёқараш асосида табиат ва жамият ўртасидаги гармоник боғланиш – уйғунлик ҳақидаги таълимотлар вужудга келган ва бу антик давр тилшунослигига ўз таъсирини ўтказган. Хусусан, Платоннинг “Кратил” асарида бизгача етиб келган Кратил ва Гермоген томонидан нарса ва ном (сўз) ўртасидаги муносабат масаласида олиб борилган қизғин баҳслар ана шу фалсафий қарашдан далолат

беради. Кратилнинг фикрича, гўё барча мавжудотларнинг ўзига муносиб бўлган, тўғри номлари бор. Нарсалар ва уларнинг номлари ўртасидаги боғланиш табиий асосга эга ва бу табиий ҳамда зарурий жараёндр. Кратилнинг ушбу нуқтаи назари стоиклар томонидан қўллаб-қувватланган. Хусусан, Августиннинг фикрига кўра, нарсаларнинг номлари уларнинг ҳиссий хоссаларига монанд равишда танланган. Масалан, номлар нарсаларнинг инсон ҳиссиётига юмшоқ ёки қаттиқ таъсир қилиши билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Агар нарсанинг хоссаси юмшоқ бўлса, у ҳолда номлар ҳам *mel* (асал) сўзидаги каби юмшоқ товушлар (ҳарфлар) билан ифодаланган. Аксинча, қаттиқ хусусиятли бўлса, *acre* (аччик) сўзидаги каби қаттиқ товушлардан ташкил топган(1, 11; 7, 15-16).

Бироқ, Гермоген бу масалага қарши муносабат билдирган. Унинг айтишича, нарса ва номлар ўртасида ҳеч қандай табиий мувофиқлик мавжуд эмас, балки улар ижтимоий келишиш ва шартлашиш асосида вужудга келган birlikлардир. Демокрит нарса номи ўзаро келишув ҳамда халқнинг урф-одати билан боғлиқ жиҳатларга ҳам эга, деган фикрни билдиради. Шу боис номлар ва нарсалар ўртасида: а) кўп маънога эга бўлган битта сўз воситасида турли предметларни ифодалаш мумкинлиги; б) муайян бир предметнинг бир неча номга эга эканлиги; в) муайян бир нарсани ифодаловчи сўз маъноси ва номларининг даврий ўзгариб туриши; г) баъзи нарсалар орқали англашиладиган тушунчаларнинг алоҳида номга эга эмаслиги каби номуносабатликлар кузатилади(1, 11).

Аристотел ҳам нарса ва ном ўртасидаги табиий боғланиш масаласини рад этади. У ўз фикрини муайян бир нарсанинг турли тилларда турлича номга эга бўлиши мисолида далиллашга ҳаракат қилади. Унингча, сўзлар фақат ташқи структураси билан фарқланади, ички структурасига кўра улар тиллараро муштаракдир(2, 59).

Ном ва нарса ўртасидаги муносабат масаласига оид мунозаралар милoddан аввалги ва милoddнинг биринчи асрларида аналогистлар ва аномалистлар деб номланган қарама-қарши маслак вакиллари ўртасида ҳам қизғин давом этган. Хусусан, аналогистлар тилнинг грамматик қурилиши, луғат бойлиги ва борлиқ ўртасида мослик, ўхшашлик, қатъий тенглик бор, деб ҳисоблаганлар. Улар ўзларининг бу фаразларини, юнон ва лотин тилларидаги род (жинс) ва бошқа грамматик категориялар мисолида далиллашга ҳаракат қилганлар. Масалан, уч хил род нарсаларнинг эркак, аёл ёки ҳар иккала жинсга дахлдор бўлмайдиган орилиқ турларга ажралиши шундан далолат беради, деб ҳисоблаганлар.

Аномалистлар эса сўз ва нарса ўртасида тўла мослик йўқ. Биз доим мослик мезонидан чекинишларга дуч келамиз. Масалан, рус тилидаги “сирота” сўзи женский родда бўлгани ҳолда, бу сўз ўғил болаларга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. “Афины” сўзи кўплик шаклида бўлгани ҳолда, битта шаҳарни ифодалаш учун хизмат қилади, деган фикрдалар(1, 12).

Бундай мунозаралар Ўрта аср реализм ва номинализм таълимотлари вакиллари томонидан ҳам давом эттирилган. Хусусан, реализм таълимоти вакиллари “Инжил”да илгари сурилган ғояга таяниб, сўз ва тушунчалар нарсалардан аввал вужудга келганлигини эътироф этадилар. Шунга мувофиқ, реал борлиқнинг умумий тушунчалардан иборатлиги, нарсалар эса тушунчаларнинг нусхаси эканлиги қайд этилади. Номинализм таълимотида эса, бу масалага аксинча баҳо берилган. Унга кўра, нарса ва ҳодисалар реал мавжуддир, улар ҳақида инсон тасавури орқали тушунча вужудга келади(7, 28).

Мазкур мунозарада нарса ва ном ўртасидаги табиий мутаносибликни ёқловчилар томонидан кўтарилган масала борлиқ – инсон тафаккури – тил ўртасидаги муносабат билан шуғулланувчи фанлар учун ҳануз жумбоқлигича қолиб келаётган масалалардан. Назаримизда, Гермоген ва Августиннинг нарсаларга хос хусусият ва номлар учун ифода воситаси бўлган фонетик элементларнинг ҳиссий таъсири ўртасидаги табиий мутаносибликка таяниши, аналогистларнинг борлиқдаги нарса ва номлар ўртасидаги муносабатни жинс аналогияси билан боғлиқ ҳолда изоҳлашида мазкур даврда етакчи методологик асос вазифасини ўтаган “натурфалсафа”нинг таъсири бор. Ушбу таъсирнинг акс-садосини табиий мутаносиблик тарафдорлари бўлган стоикларнинг: “Борлиқ ҳам, унинг ифодаси бўлган тил ҳам туб моҳияти билан табиий ҳодисалардир”, – деган фикри орқали ҳам кузатиш мумкин(1, 11).

Иккинчи қараш тарафдорлари – Гермоген, Демокрит ва Арестотел нарса ва ном ўртасидаги муносабатга борлиқ – инсон тафаккури – ном узвийлиги нуқтаи назардан баҳо берган. Биргина Демокрит томонидан санаб ўтилган нарса ва ном ўртасидаги номутаносибликлар ижтимоий келишув тамойили тарафдорларининг инсон омилига алоҳида аҳамият берилганидан далолат беради. Ушбу – тилнинг номинатив функцияси талқинига антропоцентрик тамойил асосида баҳо бериш анъанаси тилшуносликнинг кейинги босқичларида ҳам изчиллигини йўқотмади. Аристотелнинг “сўзлар фақат ташқи структураси билан фарқланади, ички структурасига кўра улар тиллараро муштаракдир”, деган

тезисининг, дастлаб, Пор-Роял грамматикачилари томонидан, кейинчалик Н.Чомский томонидан ривожлантирилган ҳолда тилга хос рационаллик ва универсиаллик принципини белгиловчи лингвокогнитив принципларнинг ишлаб чиқилиши мисолида ана шу изчилликни кузатиш мумкин(5, 26). Демокритнинг “Баъзи нарсалар орқали англашиладиган тушунчалар алоҳида номга эга бўлмайди”, – деган фикри ҳам номинатив фаолиятнинг новербал асосда, яъни инсон онгидаги тушунча формасида мавжуд бўлишига ишора сифатида алоҳида эътиборга лойиқдир.

Шу ўринда стойиклар томонидан “тилнинг табиий ҳодиса” сифатида баҳоланишига сабаб бўлган омиллар хусусида тўхтаб ўтиш зарур. Бу нарса ва ном ўртасида табиий уйғунлик (боғлиқлик) ҳақидаги қарашларнинг вужудга келиш сабабларини аниқлашга ёрдам беради. Стойикларнинг “тилни табиий ҳодиса” деб баҳолашларига сабаб бўлган омиллардан бири Абу Наср Форобий асарларида қайд этилган. Унинг фикрича, “Инсон онги икки турлидир: улардан биринчиси, ички (интуитив) онг бўлиб, у инсонга табиат томонидан берилади. Иккинчиси эса ташқи (ҳосил қилинган) онгдир ва у табиатдан мақсадга кўра олинади (4, 2).

Демак, стойиклар томонидан “тилнинг табиий ҳодиса” сифатида баҳоланишига сабаб бўлган асос табиий ва туғма онгдир. Ўз навбатида, ушбу нуқтаи назарнинг вужудга келишида натурфалсафа даврида (мил. ав. 600 – 450 й.й.) устувор мавқега эга бўлган объектив мавжудлик ҳақидаги онтологик таълимот ўз таъсирини ўтказган. Бироқ милoddан аввалги 450 йилларга келиб, фалсафий дунёқараш марказида объектив мавжудлик ҳақидаги таълимот (яъни онтология) эмас, балки билим ҳақидаги таълимот (яъни эпистемология) устунликка эга бўлган. Бу даврга келиб, инсон объектив борлиқни кузатиши натижасида улар ҳақида муайян фикр, билим ҳосил қилиши натижасида ўзини ва ўз тафаккурини таҳлил қилишга ўта бошлаган(3, 58).

Форобий бу фалсафий дунёқарашнинг даражаланишини теран англаган ва таҳлил қилган ҳолда, онгнинг “ички (интуитив) ва ташқи (ҳосил қилинган)” турларини фарқлайди. Шунга монанд инсон билимини: 1) туғма; 2) ўқиш ва тажриба асосида эришилган билимлардан иборатлигини қайд этади. Унинг изоҳича, янги туғилган болада билиш имконияти, билиш руҳияти туғма ҳолда мавжуд бўлади. Инсон сезги аъзолари билан ана шу имкониятни юзага чиқаради. Атроф-муҳитни билиб боради. Ном ва тушунчалар сезги аъзоларнинг маҳсулидир. Улар

авлоддан авлодга берилади. Шунинг учун ҳам улар туғма эмас, қабул қилинган билимлардир(4, 8).

Абу Наср Форобий томонидан қайд этилган “ташқи (ҳосил қилинган) онг” ҳамда “ўқиш ва тажриба асосида эришилган билим” иккинчи маслак тарафдорлари (Гермоген, Демокрит, Арестотел) томонидан илгари сурилган фикр билан ҳамоҳангдир. Ушбу қадимий дунёқараш кейинги давр тилшунослигида тил ҳодисаларига, хусусан, номинатив фаолият талқинига ижтимоийлик, жамоавийлик принципини ўзида мужассам этган инсон омилидан келиб чиқиб, баҳо беришда асос бўлиб хизмат қилади. Хусусан, Вилгелм фон Гумболдтнинг “Тиллар хилма-хиллигига қарамасдан, инсонга инъом этилган табиий қобилият уларни ўзлаштиришда калит вазифасини ўтайди”(1, 53), Ф. де Соссюрнинг: “Сўзлаш қобилияти инсонда табиий равишда мавжуд бўлса ҳам, унинг шаклланиши ва ривожидида ижтимоий нутқий фаолият муҳим аҳамиятга эга бўлади” каби фикрларида ушбу фалсафий дунёқарашнинг акс-садосини илғаш мумкин(6, 36).

Қадимги давр тилшунослигида илгари сурилган номинатив таълимотга дахлдор мулоҳазалар ҳақида фикрларимиз кейинги изланишларга замин бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Березин Ф.М. История лингвистических учений – М.: Высшая школа, 1975. – 304 с.
2. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Т.: Фан, 2007. – 274 с.
3. Гуннар Скирбекк, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи. – Т.: Шарқ, 2002. –710 б.
4. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2002.– 224 б.
5. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 300 б.
6. Соссюр Ф. де. Заметки по общей лингвистике. – М.: Прогресс, 1990. – 261 с.
7. Усмонов С. Умумий тилшунослик. – Т.: Ўқитувчи, 1972.– 208 б.